

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВА ЛАЙЛО АБДИСАМАТОВНА

**ОЛХЎРИНИ САҚЛАШГА ЯРОҚЛИ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА
ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on agricultural sciences**

Худайбердиева Лайло Абдисаматовна

Олхўрини сақлашга яроқли навларини танлаш ва қуритиш
технологияларини такомиллаштириш..... 3

Худайбердиева Лайло Абдисаматовна

Отбор сортов сливы, пригодных для хранения и совершенствование
технологий сушки..... 19

Khudayberdieva Laylo Abdisamatovna

Selection of plum varieties suitable for storage and improvement of drying
technologies..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВА ЛАЙЛО АБДИСАМАТОВНА

**ОЛХЎРИНИ САҚЛАШГА ЯРОҚЛИ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА
ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Qx1563 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетинда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyounet» Аxbиpот-таълим порталнда (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Халмурзаев Дилмурод Камилевич кўшма ҳужжатли фанлари доктори
Расмий оponentлар:	Додиев Қўшқор Одилевич техника фанлари доктори, профессор Абдусатторов Бахтиёр Абдуғонимов Угли кўшма ҳужжатли фанлари бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат техника университети

Диссертация қўйғоғи Тошкент давлат аграр университетини културдаги DSc.05/29.04.2022-Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 13 май соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел: (+99871) 260-48-00, факс (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қavat, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Аxbиpот-ресурс марказдан танишиш мумкин (552727-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Аxbиpот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил 28 апрел куни тарқатилди.
(2025 йил 8 апрелдаги 15-рақамли реестр бўёғи билан).



[Signature]
Ш.Асатов
Олий даражалар берувчи илмий
кўшма раёси, к.х.ф.д., профессор

[Signature]
М.З. Холмуротов
Олий даражалар берувчи илмий
кўшма раёси, илмий котиби, к.х.ф.д.,
доцент

[Signature]
С.А. Юнусов
Олий даражалар берувчи илмий
кўшма раёси, к.х.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолисининг озиқ-овқат рационалида сифатли сақланган ва қуритилган маҳсулотларга бўлган талабини қондириш муҳим аҳамият касб этади. Қуритилган олхўри маҳсулотлари экспортбоп товар сифатида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. “Дунёда қуритилган мева-сабзавотларни импорти бўйича Хитой – 1479,3 минг тонна (дунё импортининг 16,9%), Ҳиндистон – 899,6 минг тонна (10,3%), АҚШ – 445,0 минг тонна (5,1%), Япония – 355,8 минг тонна (4,1%), Покистон – 335,8 минг тонна (3,8%), Буюк Британия – 222,7 минг тонна (2,6%) ва Германия – 207,0 минг тонна (2,4%) давлатлари етакчилик қиляпти”¹. Аҳолини йил давомида сифатли маҳсулот билан таъминлаш учун меваларни қуритиш долзарб соҳалардан бири ҳисобланади.

Дунёда олхўрини сақлаш ва қуритиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бу тадқиқотлар асосан олхўрини қисқа муддатли сақлашга ва табиий-анъанавий қуритишга қаратилган. Айниқса, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Покистон олимлари олхўрини сақлаш ва қуритишнинг турли усуллари бўйича бир қатор ютуқларга эришган. Жумладан, олхўрига олтинугурт ангидриди билан ишлов бериш, сақлаш жараёнида озон гази билан ишлов бериш, қуритиш ишланмасида кальций хлорид, лимон кислотаси, натрий матан-бисульфит каби бир қатор кимёвий ва ошловчи моддалар билан ишлов бериб қуритиш усуллари илмий асосланган. Бу тадқиқотларда асосан олхўрини 30–45 кун давомида сифатли сақлаш ва сифатли қуритилган маҳсулот тайёрлаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистон шароитида меваларни сақлашда нав танлаш ва қуритиш усуллариининг тайёр маҳсулот сифатига таъсири бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилган. Бироқ, олхўри меваларини асллигича узоқроқ муддат сақлаш ва кимёвий моддалар ёрдамида қуритиш йўли билан қайта ишлаб, сифатли қуритилган маҳсулотлар тайёрлаш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга бағишланган 3.30-бандида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5% га етказиш”² вазифалари алоҳида белгилаб қўйилган. Бу ўринда олхўрини 90–120 кун давомида сифатли сақлаш, шу билан бирга асл меваларни қуритишда самарали усулларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорида соҳани

¹<https://businessstat.ru>

²<https://lex.uz>

ривожлантириш истиқболлари ва республикамизда янги меваги ўсимликлар турларини кенгайтириш масалалари белгилаб қўйилган. 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 октябрдаги 587-сон “2022-2023 йилларнинг қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида (Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Япония, Покистон, Буюк Британия, Германия, Россия) данакли ва уруғ меваги маҳсулотларни сақлаш ва қуритиш бўйича Б.М.Гусейнова, R.Veberic, S.Tarhan, P.P.Lewicki, I.Doymaz, K.Sacilik, A.Michalska, M.H.Jazini, S.Nooshmand, N.Belli', P.Battilani, З.А.Яралиева, Г.Н.Шейхмагомедова, И.Ш.Шумилова, И.Г.Поспелова, М.С.Погорелов, Н.Ю.Литвинюк, П.С.Лазин, республикамизда М.М.Мирзаев, Х.Б.Шаумаров, З.С.Искандаров, Х.Ч.Бўриев, Р.Абдуллаев, Р.Ризаев, Э.С.Рустамов, А.Ш.Азизов, Қ.О.Додаев, М.И.Одинаев, Э.Ё.Хожиёв, М.Ж.Курбанова, З.С.Салимов, Н.Р.Юсупбеков, Н.Л.Джалилов, Х.С.Нурмухамедов, Ж.М.Курбонов, Х.Ф.Жўраев, Р.Ж.Жўраев ва К.А.Усмоновлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Муаллифлар томонидан олхўри навлари меваларини қуритиш ва сақлашни самарадорлигини янада ошириш, хом-ашёга ишлов бериш усулларини такомиллаштириш, олхўри сақлаш ва қуритиш жараёнларига ресурстежамкор самарали технологияларини тадбиқ этиш бўйича бир қанча тавсиялар берилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Бироқ, республикамизда олхўри меваларини сифатли сақлаш ва қуритиш, маҳсулотларни қадоқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмини янада ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки сифатли сақланган ва қуритилган олхўри экспорти учун товарбоп аксарият изланишлар хорижий тадқиқотларга мансуб бўлиб, уни республикамизда тайёрлаш, қайта ишлаш, етказиб бериш ҳамда ишлаб чиқариш технологияларининг самарали элементларини ишлаб чиқиш ва сифатли, товарбоп кўринишга эга сақлаш ва қуритиш технологияларини такомиллаштириш етарлича ўрганилмаган.

Ушбу диссертация тадқиқотига кўра, олхўрининг турли навларини сақлаш ва қуритиш технологиясининг айрим элементларини ишлаб чиқиш, уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ундаги қўйилган асосий вазифалар ички бозор ва экспортга йўналтирилган, мевачилик объекти бўлган

олхўрини сақлаш ва қуритишда юзага келадиган бир қатор муаммоли масалалар ечимини топади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедрасининг №13-1 “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қуритиш ва дастлабки қайта ишлашда ресурстежамкор, замонавий технологиялардан фойдаланишни илмий асослаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзуси асосида бажарилган (2022-2025-йй).

Тадқиқотнинг мақсади: Олхўрининг кечпишар навларини сақлаш ва қуритиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олхўрининг сақланувчанлиги юқори бўлган навларини танлаш ва уларни сақлаш жараёнида биокимёвий ўзгаришларини аниқлаш;

олхўри навлари меваларини сақлаш жараёнида табиий вазнининг камайиш кўрсаткичларини аниқлаш;

қуритишга мос олхўри навларини ажратиш ва қуритиш усулларининг қуритилган маҳсулот сифатига таъсирини исботлаш;

табиий қуритишда олхўри навлари меваларига турли концентрацияли натрий хлорид (NaCl) билан ишлов берилганда маҳсулотнинг қуриш тезлигига қуритилган тайёр маҳсулот сифатига таъсирини тадқиқ этиш;

олхўри навлари меваларига турли концентрацияли этил олеат ($\text{C}_{20}\text{H}_{38}\text{O}_2$) билан ишлов берилганда маҳсулотнинг қуриш тезлигига ва қуритилган тайёр маҳсулот сифатига таъсирини исботлаш;

олхўри навлари меваларининг қуритилган маҳсулотлари таркибидаги қолдиқ намлик миқдорини аниқлаш ва таққослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олхўрининг Қора олу, Бертон, Венгерка фиолетовая, Венгерка домашняя ва Супериор навлари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети олхўри навларини сақлаш ва сифатли қуритишда бирламчи ишлов бериш усуллари, ишчи эритмаларнинг турли концентрациялари, ҳамда мева сақлашда ва қуритишда маҳсулот сифатига таъсир этувчи бошқа омиллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари олхўри меваси маҳсулотларини қуритиш техникаси ва услублари А.С.Гинзбургнинг “Основы теории и техники сушки пищевых продуктов” (1973) манбасидан, таркибидаги қуруқ модда миқдори ГОСТ 28561-90 талаблари бўйича, олхўри меваси қуритилгандан сўнг таркибидаги қолдиқ намликни аниқлаш ГОСТ 32896-2014 бўйича, умумий кислота миқдори 750-2013 ГОСТ бўйича, олхўри сифатини сертификатлаш ва назорат қилиш бўйича FFV-51 талаблари бўйича, меваларни сақлаш ГОСТ 50419-92 (ИСО 2169-81) стандарти билан, маҳсулотларни органолептик таҳлил қилишда ГОСТ 8756.1-2017 стандарти асосида, муҳимлик коэффициентларини аниқлашда Е.П.Широков ва В.И.Полегаевлар томонидан мева-сабзавотлар сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган услубларидан, олхўри меваларининг биокимёвий таркибини таҳлил қилишда А.И.Ермакованинг “Методы биохимического исследования растений” услубларидан

фойдаланилган бўлиб, тажрибаларда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили “Excel 2016” ва “Statistica 7.0 for Windows” компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилиқ оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) услуги бўйича таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олхўри навлари меваларининг сақланувчанлиги ва қуритишбоплиги юқори бўлган Бертон, Венгерка фиолетовая ва Венгерка домашняя навлари танланган;

меваларни қуритишда шамолнинг тезлиги 0,10-0,12 м/сек бўлганда нисбий ҳаво намликларининг иссиқлик ўтказиш жараёнига ва энергия сарфини 5% камайтиришга таъсир этиш қонунияти аниқланган;

олхўри навлари мевалари 60 кун сақланганда, табиий вазнининг камайиши олхўрининг навига ва сақлаш шароитларига боғлиқлиги асосланган;

меваларга олдиндан ишлов беришда натрий хлорид (NaCl) нинг 1% концентрацияли ишчи эритмаси мақбул ҳисобланиб, меваларни эритмага ботириб туриш давомийлиги 8-10 сония бўлганда, олхўри навларининг қуриш давомийлиги 14 суткадан 11 суткага қисқарганлиги ва сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши асосланган;

олхўри навлари меваларини қуёш панелида қуритишда этил олеат ($C_{20}H_{38}O_2$) нинг 4% концентрацияли ишчи эритмаси билан 8-10 сония ишлов берилганда, меваларнинг қуриш давомийлиги 18 кундан 14 кунга қисқарганлиги ва сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир этганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олхўри навлари меваларини сақланувчанлиги ва қуритишбоплиги юқори бўлган навлари танлаб олинди ва тадқиқотнинг олинган амалий натижалари асосида “Олхўри навлари меваларини турли усулларда қуритиш технологияси бўйича” тавсиянома ишлаб чиқаришга жорий этилган;

олхўри навлари мевалари 60 кун давомида сақланганда, Қора олу навида 9,8%, Бертон навида 7,6% Венгерка фиолетовая навида 8,0%, Венгерка домашняя навида 8,1%, Супериор навида эса 9,3% миқдорда табиий вазнининг камайиши аниқланган;

қуритиш давомийлигига таъсир этишда олхўри меваларига ишлов беришнинг мақбул концентрациялари: натрий хлорид (NaCl) эритмаси учун 1%, этил олеат ($C_{20}H_{38}O_2$) эритмаси учун 4% концентрацияли ишчи эритма эканлиги аниқланган;

қуёш панели ёрдамида олхўри навлари меваларини қуритишда офтобда қуритишга нисбатан қуритиш давомийлиги барча навларда 40% га қисқарганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала ва лаборатория тажрибаларининг Тошкент давлат аграр университети апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларни университет илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилиб, маҳаллий ва хорижий

журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олхўри навлари меваларини сақлаш ва қуритишда турли усуллар, сақлашда ва қуритишга таъсир этувчи турли омиллар ва тайёр маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари кўп омиллик тажрибаларда аниқланганлиги, сақлашда сифатли маҳсулот олиш, сақлаш муддатини узайтириш ва қуритишда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиш миқдори навлараро корреляцион боғлиқлигининг ($r=91$) илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олхўри меваларини сақлашда табиий вазнининг камайишига мева нави, мевалар етиштирилган ҳудуд ва сақлаш шароитларининг таъсири, меваларни қуритиш учун эса натрий хлорид (NaCl) ва этил олеат ($\text{C}_{20}\text{H}_{38}\text{O}_2$) ишчи эритмалари билан олдиндан ишлов бериш, қуритиш давомийлигини 40 % га қисқартириши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олхўри навлари меваларини сақлаш ва қуритишда тайёр маҳсулот чиқиш кўрсаткичларига турли омиллар таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

олхўри навлари меваларини қуритиш ишланмаси Наманган вилояти Чуст туманида олхўрининг Бертон нави ҳосилидан “Rustamali Karimov” фермер хўжалиги ер майдонида етиштирилган 10 тонна, Янгиқўрғон тумани “Voqqosov Moxiddin Komolxon o‘g‘li” ЯТТда етиштирилган 5 тонна хом-ашё қуритиш учун тайёрлаб олиниб, ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2025 йил 11-мартдаги № 11-22/03-25 сонли маълумотномаси). Натижада, соф фойда кўрсаткичи 20 млн 005 минг сўмни ташкил этиб, рентабеллик даражаси Бертон навида 92,7% ни ташкил этган.

олхўри навлари меваларини сақлаш ишланмаси Наманган вилояти Поп туманида Бертон нави ҳосилидан “Namangan Agrologistics” МChJ да 1 тонна, Янгиқўрғон тумани ҳудудидаги “Voqqosov Moxiddin Komolxon o‘g‘li” ЯТТда 1 тонна хом-ашё сақлаш учун тайёрлаб олиниб, ишлаб чиқаришга жорий этилган. (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2025 йил 11-мартдаги № 11-22/03-25 сонли маълумотномаси). Натижада, умумий ҳаражатлар 9 млн 300 минг сўм, соф фойда кўрсаткичи эса 7 млн 800 минг сўмни ташкил этиб, рентабеллик даражаси Бертон навида 50,9% бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университетиде ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (жумладан 2 та хорижий), илмий-амалий конференцияларда 6 та (жумладан 4 та халқаро) тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзу ва олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда муҳимлиги илмий асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари баён этилган, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ифодаланган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Олхўри навлари меваларини сақлаш ва турли усулларда қуритиш технологияси (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида олхўрининг агробиологик хусусиятлари, уни дунё бўйича тарқалиш ареаллари, республикамизда тарқалган навлари, ўсиш шароитлари уни сақлаш ва қуритиш бўйича хориж ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. Илмий манбалар маълумотлари олхўрининг меваларини сақлаш ва қуритиш технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказиш шароити, услублари ва объекти”** деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлими тадқиқотлар ўтказилган ҳудудларнинг жойлашган ўрни ва иқлим шароитлари тавсифи деб номланиб, тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ иқлим шароитлари, тавсифлари, ўтказиш шароитлари, объекти ва услублари келтирилган. Ушбу бобнинг **“Тадқиқот объекти ва услублари”** бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш усуллари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Олхўри навлари меваларининг сақланувчанлик хусусиятлари ва сақлаш давомида биокимёвий ўзгаришларни таҳлил этиш”** деб номланган учинчи бобининг **“Олхўри навлари меваларини сақлаш жараёнида, биокимёвий таркибининг ўзгаришларини аниқлаш”** деб номланиб, ушбу бўлимда олхўри навлари меваларининг пишиб етилиш муддатларига қараб, товарбоплиги, биокимёвий таркиби ва органолептик кўрсаткичлари турлича бўлиши аниқланган. Маълумки, олхўри навларининг техник пишиб етилган меваларини қисқа муддат давомида сақлаш мумкин бўлади. Эртапишар олхўри навлари асосан янгилигича истеъмолга йўналтирилиб, кўп ҳолатларда қисқа муддат сақлашга ва қайта ишлаш учун ҳам тавсия этилади. Тажрибаларимизда олхўрининг кечпишар навларини сақлашга яроқлилик жиҳатларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Бунда асосан олхўрининг Қора олу, Бертон, Венгерка фиолетовая, Венгерка домашняя ва

Супериор навларининг мевалари сақлашга жойлаштирилиб, уларнинг сақланувчанлиги ва сақлаш жараёнида маҳсулот сифатига таъсир этувчи турли омиллар аниқланди.

Тажрибаларимизда ўрганилган кечпишар олхўри навлари мевалари таркибидаги қуруқ модда миқдори ва қандлилик даражаси ўзаро таққосланганда қуруқ модда миқдори Қора олу навида 15,5%, Бертон навида 17,2%, Венгерка фиолетовая навида 16,5%, Венгерка домашняя навида 16,7%, ва Супериор навида эса 15,6%, ташкил этди. Ушбу тажрибалар лаборатория шароитида мева таркибидаги қуруқ модда миқдорини аниқлашда рефрактометр асбобидан фойдаланилди.

Қанд миқдорининг кўрсаткичлари эса Қора олу навида 13,8%, Бертон навида 16,4%, Венгерка фиолетовая навида 15,5%, Венгерка домашняя навида 15,3%, ва Супериор навида эса 14,2%, кўрсаткичда бўлганлиги аниқланди.

Олхўри навлари мевалари таркибидаги қандлилик кўрсаткичлари лаборатория шароитида хроматография ускунасида аниқланди. Хроматографияда таҳлил қилиш вақтида хроматограф колонкасига юборилган текширилувчи моддалар элюент билан бирга турли вақт оралиғида алоҳида-алоҳида бўлиб колонканинг чиқиш томонига келади ва махсус сезувчи асбоб детектор ёрдамида унинг вақт бирлигидаги миқдори қайд этилади, яъни эгри чизик ҳолида ёзиб олинади (1-расм).



1-расм. Олхўри навлари мевалари таркибидаги қуруқ моддалар ва қанд миқдори кўрсаткичлари маҳсулотларни сақлашга жойлаштиришдан олдинги ҳолати, %.

Бу кўрсаткич хроматограмма деб аталади. Сифат анализи вақтида модданинг колонкага юборилгандан то чиққунгача бўлган вақти ҳар бир компонент учун доимий равишда бир хил элюентда белгилаб олинади. Хроматографиядаги пиклар (ҳар бир модда учун тегишли эгри чизик шакли) баландлиги ёки юзаси, детекторнинг моддага нисбатан сезгирлигини назарга олган ҳолда ўлчанади ва махсус усулда ҳисоблаб қайд этиб борилади

Диссертациянинг “Олхўри навлари меваларини совутгичли

омборхоналарда сақлашда табиий вазнининг камайиш даражаси ва сифат кўрсаткичларини таҳлил этиш” деб номланган 3 бобнинг 2 бўлимида сақлашга жойлаштирилган олхўри навлари меваларининг морфологик, морфометрик кўрсаткичлари сифат кўрсаткичларидан рангида ўзгаришлар кузатилмади. Дастлабки совутиш бўлмасида +1°C ҳароратда 12-14 кун давомида мевалар сақлангандан сўнг, доимий сақлаш камерасига маҳсулотлар жойлаштирилди. Доимий сақлаш камерасидаги ҳаво ҳарорати +2-3°C, ҳавонинг нисбий намлик даражаси эса 80-85% этиб белгиланди. Олхўри мевалари елим қутиларга 100 кг дан жойлаштирилди. Тажрибаларимиз 5 вариант 4 қайтариқдан иборат бўлиб, ҳар бир қайтариқда 100 кг олхўри меваси бўлиб, битта вариантда 400 кг жами тажрибаларимизда эса 2000 кг олхўри мевалари сақлашга жойлаштирилиб, уларнинг сақлаш давомидаги табиий камайиш даражалари таҳлил этилиб, навлараро таққосланиб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

Олхўри навлари меваларини сақлаш жараёнида уларнинг табиий вазнининг камайиш даражасини навлараро таҳлили, (2022-2024 йй.)

т/р	олхўри навлари	сақлаш омборидаги ҳаво ҳарорати, °С		сақлаш омборидаги ҳавонинг нисбий намлиги, %		сақлашга қўйилган маҳсулот, кг	меваларни табиий камайиши даражаси, %			умумий камайиш даражаси	
		дастлабки 15 кун	кейинги 45 кун	дастлабки 15 кун	кейинги 45 кун		дастлабки 20-кун	оралиқ 40-кун	сўнги 60-кун	%	кг
1	<u>Қора олу (назорат)</u>	+1°C	+2-3°C	85-90	80-85	400	0,7	4,3	4,8	9,8	39,2
2	Бертон					400	0,3	3,2	4,1	7,6	30,4
3	Венгерка фиолетовая					400	0,4	3,4	4,2	8,0	32,0
4	Венгерка домашняя					400	0,4	3,4	4,3	8,1	32,4
5	<u>Супериор</u>					400	0,5	4,1	4,7	9,3	37,2
Жами:						2000	2,3	18,4	22,1	42,8	171,2

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, олхўри навлари мевалари ҳар бир наздан 400 кг дан намуна олиниб, мевалар 20 кун сақлангандан сўнг маҳсулотларни табиий камайиш кўрсаткичлари қуйидагича бўлганлиги кузатилди. Бунда Қора олу навида 0,7%, Бертон навида 0,3% Венгерка фиолетовая навида 0,4%, Венгерка домашняя навида 0,4%, ва Супериор навида эса 0,5% миқдорда табиий камайиш кузатилди.

Олхўри навлари мевалари омборхонада 40 кун сақлангандан сўнг Қора олу навида 4,3%, Бертон навида 3,2% Венгерка фиолетовая навида 3,4%, Венгерка домашняя навида 3,4%, ва Супериор навида эса 4,1% миқдорда табиий камайиш кўрсаткичи кузатилган бўлса, мевалар 60 кун сақлангандан сўнг улардаги табиий камайиш кўрсаткичлари қуйидагича бўлганлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Олхўри навлари меваларини турли ишчи эритмалар таъсирида қуришиш технологияси ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш” деб номланган 4 бобнинг “Қуришишга мос олхўри навларини

ажратиш ва қуритиш усулларининг қуритилган маҳсулот сифатига таъсири” деб номланган 1 бўлимида олхўри навлари меваларида таркибидаги эркин ва бириккан сувларни турлича даражада буғланиши кузатилади.

Бунда асосан олхўри навлари меваларини қобиғи мева эти (мезокарпий) мева таркибидаги эркин ва бириккан сувларнинг ҳолати мева таркибидаги углеводлар, нитратлар, витаминлар, эрувчан ва эримайдиган пектинлар ва протапектинларни миқдорига боғлиқ равишда меваларда сувсизланиш жараёни турлича кечади. Олхўрининг Қора олу, Бертон, Венгерка фиолетовая, Венгерка домашняя ва Супериор навлари очиқ ҳавода офтобда қуритилди. Тажриба учун назорат сифатида олхўрининг Қора олу нави танлаб олиниб, қолган барча қуритиш учун танлаб олинган олхўри навлари ушбу навга таққосланиб, қуритиш бўйича тажрибалар олиб борилди (2-жадвал).

2-жадвал

Олхўри навлари меваларини қуритишда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари (2022-2024 йй.).

Олхўри навлари	Олхўри навлари меваларини қуритиш давомидаги сув буғлатиш кўрсаткичлари ва қуритилган тайёр маҳсулот чиқиш миқдори						
	хом-ашё миқдори, кг	5 кун ўтиб,%	10 кун ўтиб,%	15 кун ўтиб,%	20 кун ўтиб,%	тайёр қуритилган маҳсулот чиқими	
						кг	%
2022 йилда олиб борилган кузатувлар							
Қора олу (назорат)	40	78	56	36	25	10,	25
Бертон	40	80	58	38	32	12,8	32
Венгерка фиолетовая	40	80	57	37	30	12,0	30
Венгерка домашняя	40	78	56	36	28	11,2	28
Супериор	40	76	54	38	26	10,4	26
ЭКФ ₀₅						0,3	
Sx						0,12	
2023 йилда олиб борилган кузатувлар							
Қора олу (назорат)	40	79	54	32	26	10,4	26
Бертон	40	82	56	40	34	13,6	34
Венгерка фиолетовая	40	81	55	38	32	12,8	32
Венгерка домашняя	40	80	54	38	30	12,0	30
Супериор	40	78	56	36	28	11,2	28
ЭКФ ₀₅						0,6	
Sx						0,15	
2024 йилда олиб борилган кузатувлар							
Қора олу (назорат)	40	74	54	34	24	9,6	24
Бертон	40	76	52	37	30	12,0	30
Венгерка фиолетовая	40	77	52	35	28	11,2	28
Венгерка домашняя	40	74	53	34	26	10,4	26
Супериор	40	73	52	34	25	10,0	25
ЭКФ ₀₅						0,8	
Sx						0,21	

Жадвал маълумотларида қайд этилганидек, тажрибалар 2022, 2023, 2024 йиллар давомида бир хил услубда бир хил техник шартлар асосида қуритилиб, меваларни қуриш кўрсаткичлари таҳлил этилди. Бунда тажрибаларимизда ўрганилаётган олхўрининг бешта навининг мевалари йиллараро ва навлараро турлича қуриш давомийлиги ва тайёр қуритилган маҳсулот чиқими миқдори бир-биридан фарқланиши аниқланди.


2024 йилда олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, бунда тажрибаларимизда ўрганилаётган олхўри навларидан Қора олу нави (назорат)

сифатида олинган бўлиб, бошқа навлар эса ушбу навга таққосланиб қуритиш давомийлиги амалга оширилди. Бунда назорат сифатида олинган Қора олу навида қуритишнинг дастлабки 5 кунда қуритишга жойлаштирилган 100% хом ашёдан 74%, 10 кун ўтиб 54%, 15 кун ўтиб 34%, 20 кун ўтиб эса 24% маҳсулот қолганлиги аниқланди. Қора олу (назорат) навида тайёр қуритилган маҳсулот 24% бўлиб, 40 кг хом ашёдан 9,6 кг тайёр қуритилган маҳсулот олишга эришилди.

Ушбу кўрсаткич олхўрининг Бертон навида қуритишнинг дастлабки 5 кунда қуритишга жойлаштирилган 100% хом ашёдан 76%, 10 кун ўтиб 52%, 15 кун ўтиб 37%, 20 кун ўтиб эса 30% маҳсулот қолганлиги аниқланди. Ушбу тажрибада Бертон навида тайёр қуритилган маҳсулот чиқими 30% бўлиб, 40 кг хом-ашёдан 12,0 кг тайёр қуритилган маҳсулот олинди.

Ушбу тажрибалар натижасига кўра олхўрининг Венгерка фиолетовая навида, қуритишнинг дастлабки 5 кунда қуритишга жойлаштирилган 100% хом ашёдан 77%, 10 кун ўтиб 52%, 15 кун ўтиб 35%, 20 кун ўтиб эса 28% маҳсулот қолганлиги аниқланди. Ушбу тажрибада Венгерка фиолетовая навида тайёр қуритилган маҳсулот 28% бўлиб, 40 кг хом ашёдан 11,2 кг тайёр қуритилган маҳсулот олинганлиги кузатилди.

Венгерка домашняя навида, қуритишнинг дастлабки 5 кунда қуритишга жойлаштирилган 100% хом ашёдан 74%, 10 кун ўтиб 53%, 15 кун ўтиб 34%, 20 кун ўтиб эса 26% маҳсулот қолганлиги аниқланди. Ушбу тажрибада Венгерка домашняя навида тайёр қуритилган маҳсулот 26% ни ташкил этиб, 40 кг хом-ашёдан 10,4 кг тайёр қуритилган маҳсулот олишга эришилди (2-расм).



2-расм. Олхўри навлари меваларини қуритишда тайёр қуритилган маҳсулот чиқими фойз кўрсаткичда йиллар кесимида аниқланган.

Ушбу кўрсаткичлар олхўрининг Супериор навида қуритишнинг дастлабки 5 кунда қуритишга жойлаштирилган 100% хом ашёдан 73%, 10 кун ўтиб 52%, 15 кун ўтиб 34%, 20 кун ўтиб эса 25% маҳсулот қолганлиги аниқланди. Супериор навида тайёр қуритилган маҳсулот 25% ни ташкил этиб, 40 кг хом

ашёдан 10,0 кг тайёр қуритилган маҳсулот чиқиши тажрибаларимиз давомида аниқланди.

Диссертациянинг “Олхўри навлари меваларига турли концентрацияли натрий хлорид (NaCl) билан ишлов берилганда маҳсулотнинг қуриш тезлигига ва тайёр маҳсулот сифатига таъсирини аниқлаш” деб номланган 4 бобнинг 2 бўлимида олхўри навлари меваларини қуришти бўйича олиб борилган тажрибаларда меваларга турли концентрацияли натрий хлорид (NaCl) эритмаси билан ишлов берилганда маҳсулотнинг қуришти тезлиги, давомийлиги ва тайёр маҳсулот сифатига таъсири ўрганилди. Олхўри навлари меваларини қуриштида натрий хлорид (NaCl)нинг турли концентрасияли ишчи эритмасида дастлабки ишлов берилиб, мевалардаги турли ўзгаришлар кўрсаткичларининг биокимёвий таҳлиллари олиб борилди.

3-жадвал

Олхўри навлари меваларига турли концентрацияли натрий хлорид (NaCl) ишчи эритмасида ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиш миқдори кўрсаткичлари %, (2022-2024 йй.).

Олхўри навлари	Вариантлар					
	хом ашё миқдори, кг	қайнаган сув (назорат)	(NaCl) 0,5%	(NaCl) 1%	(NaCl) 1,5%	(NaCl) 2%
5-7 сония ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиши,%						
Қора олу	40	26	25	23	22	18
Бертон	40	30	29	28	26	24
Венгерка фиолетовая	40	28	27	25	24	22
Венгерка домашняя	40	27	26	24	22	20
Супериор	40	26	25	24	22	19
ЭКФ ₀₅		0,6	0,5	0,7	0,5	0,6
Sx		2,9	2,8	2,5	2,5	2,7
8-10 сония ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиши,%						
Қора олу	40	24	22	26	18	17
Бертон	40	28	26	28	24	23
Венгерка фиолетовая	40	26	25	25	22	22
Венгерка домашняя	40	25	24	25	20	19
Супериор	40	24	22	24	19	19
ЭКФ ₀₅		0,6	0,4	0,7	0,4	0,6
Sx		2,8	2,6	2,6	2,5	2,5
12-14 сония ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиши,%						
Қора олу	40	22	20	18	16	16
Бертон	40	26	24	22	20	20
Венгерка фиолетовая	40	24	22	20	18	17
Венгерка домашняя	40	23	22	20	18	18
Супериор	40	22	20	18	16	15
ЭКФ ₀₅		0,5	0,5	0,4	0,4	0,6
Sx		2,3	2,5	2,3	2,1	2,5

Олхўри навлари меваларини қуритишда натрий хлорид (NaCl)нинг турли концентрацияли ишчи эритмасида дастлабки ишлов берилиб, мевалардаги турли ўзгаришлар кўрсаткичларининг биокимёвий таҳлиллари олиб борилди ва ишлов бериш муддатларининг бир неча вариантлари синаб кўрилди (3-жадвал).

Олхўри навлари меваларини қуритишда ушбу техник талаблар асосида қуритишни ташкил этиш ва қуритиш учун хом ашёга бирламчи ишлов бериш жараёнида турли натрий хлорид (NaCl) ишчи эритмасида **8-10** сония вақт давомида меваларга ишлов бериш натижасида уларни навлараро ва ишчи эритмаларнинг турли концентрацияларида ишлов бериш кўрсаткичларини таққослаш бўйича тажрибалар ўтказилди.

Тажрибаларимизда олхўри навлари меваларига, назорат сифатида ҳеч қандай ишчи эритмаларсиз **қайнаган сув (назорат)** билан **8-10** сония ишлов берилганда Қора олу навида 24%, Бертон навида 28%, Венгерка фиолетовая навида 26%, Венгерка домашняя навида 25%, Супериор навида эса 24% тайёр қуритилган маҳсулот олинди;

Олхўри навлари меваларига натрий хлорид (NaCl) эритмасининг **0,5%** концентрацияли ишчи эритмасида **8-10** сония давомида ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиш кўрсаткичи қуйидагича бўлганлиги аниқланди. Бунда Қора олу навида 22%, Бертон навида 26%, Венгерка фиолетовая навида 25%, Венгерка домашняя навида 24% ва Супериор навида эса 22% тайёр қуритилган маҳсулот олинди.

Олхўри навлари меваларига натрий хлорид (NaCl) эритмасининг **1%** концентрацияли ишчи эритмасида **8-10** сония давомида ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиш кўрсаткичи қуйидагича бўлиб, бунда Қора олу навида 26%, Бертон навида 28%, Венгерка фиолетовая навида 25%, Венгерка домашняя навида 25% ва Супериор навида эса 24% тайёр қуритилган маҳсулот олинди;

Олхўри навлари меваларига натрий хлорид (NaCl) эритмасининг **1,5%** концентрацияли ишчи эритмасида **8-10** сония давомида ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиш кўрсаткичи Қора олу навида 18%, Бертон навида 24%, Венгерка фиолетовая навида 22%, Венгерка домашняя навида 20% ва Супериор навида эса 19% тайёр қуритилган маҳсулот олинди;

Олхўри навлари меваларига натрий хлорид (NaCl) эритмасининг **2%** концентрацияли ишчи эритмасида **8-10** сония давомида ишлов берилганда тайёр қуритилган маҳсулот чиқиш кўрсаткичи Қора олу навида 17%, Бертон навида 23%, Венгерка фиолетовая навида 22%, Венгерка домашняя навида 19% ва Супериор навида эса 19% тайёр қуритилган маҳсулот чиқиши маълум бўлди.

Диссертациянинг **“Олхўри навлари меваларини қуритиш давомийлигига турли концентрацияли этил олеат (C₂₀H₃₈O₂) ишчи эритмасининг таъсири”** деб номланган 4 бобнинг 3 бўлимида олхўри навлари меваларини қуритиш бўйича олиб борилган тажрибаларда меваларга этил олеат (C₂₀H₃₈O₂) ишчи эритмасининг турли концентрациялари билан ишлов берилганда маҳсулотнинг қуриш тезлиги, давомийлиги ва қуритилган тайёр маҳсулот сифатига таъсири таҳлил этилди (4-жадвал).

Қуёш панели қуритиш ускунасида олхўри навлари меваларини қуритиш давомийлигига ва тайёр қуритилган маҳсулот чиқиш кўрсаткичларига турли концентрацияли этил олеат (C₂₀H₃₈O₂) ишчи эритмасининг таъсири (2022-2024 йй.).

олхўри навлари	Вариантлар								
	хом ашё миқдори, кг	қайнаган сув (назорат)		(C ₂₀ H ₃₈ O ₂) 3%		(C ₂₀ H ₃₈ O ₂) 4%		(C ₂₀ H ₃₈ O ₂) 5%	
		қуруқ маҳсулот чиқими, %	хом ашёнинг қуриш давомийлиги (кун)	қуруқ маҳсулот чиқими, %	хом ашёнинг қуриш давомийлиги (кун)	қуруқ маҳсулот чиқими, %	хом ашёнинг қуриш давомийлиги (кун)	қуруқ маҳсулот чиқими, %	хом ашёнинг қуриш давомийлиги (кун)
<u>Қора олу</u>	40	28	12	26	11	24	9	22	9
Бертон	40	30	10	30	8	28	7	26	8
Венгерка фиолетовая	40	30	10	28	8	26	8	24	9
Венгерка домашняя	40	30	10	28	9	24	8	22	9
<u>Супериор</u>	40	26	12	24	10	23	9	22	10

Тадқиқотлар натижасида шунини кўриш мумкинки, ушбу тажрибамизда энг мақбул концентрация этил олеат (C₂₀H₃₈O₂)нинг 4% концентрацияли ишчи эритмаси деб топилган бўлса, энг мақбул қуритишбоп олхўри навлари Бертон ва Венгерка фиолетовая навлари самарали деб топилди.

Диссертациянинг “Олхўри навлари меваларининг қуритилган маҳсулотлари таркибидаги қолдиқ намлик миқдорини аниқлаш ва таҳлил этиш” деб номланган 4 бобнинг 4 бўлимида олхўри меваларини қуритиш ва уларни иқтисодий самарадорлигини таҳлил этишда маҳсулотларнинг қуриш муддати (товар навлари бўйича сифат кўрсаткичлари), қуритиш шароитлари, қуритиш ҳаражатлари, тайёр қуритилган маҳсулот таннархи ва маҳсулотни сотиш баҳоси юзасидан мутахассислар билан биргаликда иқтисодий ҳисоб-китоблар таҳлил этилиб ёритилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Олхўри навлари мевалари 60 кун давомида сақлангандан сўнг мевалар таркибидаги қуруқ модда миқдори ва қандлилик даражаси таҳлил этилган бўлиб, бунда сақлашга жойлаштириш вақтидаги кўрсаткичларга таққосланганда катта тафовут бўлмасда, олхўрининг турли навлари меваларида маълум бир миқдорда мева таркибидаги қуруқ модда ва қанд миқдорларининг турлича ўзгарганлиги аниқланди. Бунда Қора олу навида 5,6%-2,7%, Бертон навида 6%-2,2%, Венгерка фиолетовая навида 5,7%-2,2%, Венгерка домашняя навида 5,8%-1,5%, Супериор навида эса 6,2%-2,2% миқдорда қуруқ моддалар ва қандлилик кўрсаткичи ошганлиги кузатилган.

2. Олхўри навлари мевалари товар навларга ажратилганда назорат сифатида олхўрининг Қора олу навида I-нав товар маҳсулот 73,3%, II-нав товар маҳсулот 8,8%, III-нав товар маҳсулот 4,8%, талабга жавоб бермайдиган қолдиқ

маҳсулот эса 3,3% ни ташкил этганлиги аниқланди. Бертон I-нав товар маҳсулот 81,1%, II-нав товар маҳсулот 5,8%, III-нав товар маҳсулот 3,4%, талабга жавоб бермайдиган қолдиқ маҳсулот эса 2,1% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Венгерка фиолетовая I-нав товар маҳсулот 79,3%, II-нав товар маҳсулот 6,2%, III-нав товар маҳсулот 3,7%, талабга жавоб бермайдиган қолдиқ маҳсулот эса 2,8% ни ташкил этди.

3. Олхўри навлари меваларида энг юқори табиий йўқотишлар навлараро таққосланиб таҳлил этилди. Бунда олхўри навлари меваларини сақланувчанлиги ва сақлаш давомида маълум бир кўрсаткичларида турлича фарқланишлар кузатилиб, табиий камайишлар миқдори навлараро бир-биридан фарқланганлиги сабабли олхўри сақлашда олинадиган даромад ва соф фойда миқдори меваларнинг табиий вазнининг камайиш кўрсаткичларига боғлиқ равишда бўлганлиги аниқланди.

4. Олхўри меваларини қуритишда энг мақбул ишчи эритма миқдори натрий хлорид (NaCl)нинг 1% концентрацияли эритмаси бўлганда олхўри навлари мевалари стандарт талабларига мос равишда қуруқ маҳсулот олиш имкони мавжудлиги аниқланди. Ушбу тажрибамизда назоратда ва вариантларда энг юқори кўрсаткичда бўлган олхўри навларидан Бертон, Венгерка фиолетовая навлари бошқа навларга таққосланганда энг юқори кўрсаткичда бўлди.

5. Олхўри навлари меваларига этил олеат ($\text{C}_{20}\text{H}_{38}\text{O}_2$)нинг 4% концентрацияли ишчи эритмаси билан ишлов бериш қуритиш тезлигига ва қуритилган маҳсулот сифати ошишига ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, тайёр қуритилган маҳсулотнинг қолдиқ намлиги қуйидагича бўлди: Қора олу навида 26%, Бертон навида 24%, Венгерка фиолетовая навида 24%, Венгерка домашняя навида 25% ва Супериор навида эса 27%. Бунга кўра, меваларни қуритиш муддатини қисқартиришга энг мақбул таъсир кўрсатадиган этил олеат ($\text{C}_{20}\text{H}_{38}\text{O}_2$)нинг 4% концентрацияли ишчи эритмаси ҳисобланади.

6. Олхўри навлари меваларини очик майдонда ва қуёш панелли қуритиш ускунасида қуритилганда меваларни қуриш давомийлиги таққосланиб таҳлил этилди. Олхўри навлари мевалари ушбу очик ҳаводаги қуритиш усуллари бўйича натижалари таққосланганда 1,5-2 баробар қисқа вақт ичида тайёр қуритилган маҳсулот олишга эришилди (этил олеат ишчи эритмаси таъсирида).

олхўрининг Бертон, Венгерка фиолетовая ва Венгерка домашняя навлари сақлашга яроқли бўлиб, ушбу нав меваларини доимий сақлашга жойлаштиришдан олдин 1°C ҳароратда дастлабки совутиш бўлмасида 10-12 кун сақлаш тавсия этилади.

олхўри меваларини қуритишда энг мақбул ишчи эритма миқдори натрий хлорид (NaCl)нинг 1% концентрацияли ишчи эритмасида 12-14 сония давомида ишлов бериш тавсия этилади.

олхўри меваларини қуритишда энг мақбул ишчи эритма миқдори этил олеат ($\text{C}_{20}\text{H}_{38}\text{O}_2$)нинг 4% концентрацияли ишчи эритмасида 8-10 сония давомида ишлов бериш тавсия этилади.

ишлаб чиқаришда олхўрининг Бертон, Венгерка фиолетовая ва Венгерка домашняя навларини қуритиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХУДАЙБЕРДИЕВА ЛАЙЛО АБДИСАМАТОВНА

**ОТБОР СОРТОВ СЛИВЫ, ПРИГОДНЫХ ДЛЯ ХРАНЕНИЯ И
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ СУШКИ**

06.01.11 –Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2024.4.PhD/Qx1563

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdaa.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Халмирдаев Дилмурал Камиллович
доктор сельскохозяйственных наук

Официальные оппоненты:

Додаев Кучкор Одилевич Султонов
доктор технических наук, профессор

Абдусатторов Бахтиёр Абдуошпир угли
доктор философии по сельскохозяйственным наукам

Ведущая организация:

Наманганский государственный технический университет

Защита диссертации состоится в 13 мая 2025 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/28.08.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tdaa@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано под номером 552727). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 28 апреля 2025 года.
(реестр протокола рассылки номер 16 от 8 апреля 2025 года).



Ш. Асатов
Ш. Асатов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

М.З. Халмуратов
М.З. Халмуратов
Учёный секретарь научного
совета по присуждению учёных
степеней, д.ф.с.х.н., доцент

С.А. Юнусов
С.А. Юнусов
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. На сегодняшний день важное значение имеет удовлетворение спроса населения мира на качественно сохраненные и сушеные продукты питания. Сушеные сливы занимают одно из лидирующих мест в качестве экспортного товара. «В мире по импорту сушеных фруктов и овощей лидируют следующие страны: Китай - 1479,3 тыс. тонн (16,9% мирового импорта), Индия - 899,6 тыс. тонн (10,3%), США - 445,0 тыс. тонн (5,1%), Япония - 355,8 тыс. тонн (4,1%), Пакистан - 335,8 тыс. тонн (3,8%), Великобритания - 222,7 тыс. тонн (2,6%) и Германия - 207,0 тыс. тонн (2,4%)»¹. Сушка фруктов – одна из важнейших отраслей промышленности, обеспечивающая население качественной продукцией в течение всего года.

В мире проводятся многочисленные исследования по хранению и сушке слив. Эти исследования в основном направлены на краткосрочное хранение и традиционные методы естественной сушки. Особенно заметных успехов в этой области добились учёные из Китая, Индии, Японии и Пакистана, разработавшие различные методы хранения и сушки слив. В частности, были научно обоснованы такие технологии, как обработка слив диоксидом серы, применение озона в процессе хранения, а также использование различных химических и дубильных веществ - таких как хлорид кальция, лимонная кислота, натрий метабисульфит и другие - в процессе сушки. Основное внимание в этих исследованиях уделено обеспечению качественного хранения слив в течение 30–45 дней и получению качественной сушёной продукции.

В условиях Узбекистана проводились научные исследования по влиянию сортового отбора и методов сушки на качество готовой продукции при хранении фруктов, и были достигнуты определённые результаты. Однако, исследований, посвящённых длительному сохранению слив в свежем виде, а также переработке с использованием химических веществ с целью получения качественной сушёной продукции, на сегодняшний день недостаточно. Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», в пункте 3.30, посвященном ускоренному развитию национальной экономики и обеспечению высоких темпов роста, отдельно указано: «Обеспечение увеличения доходов дехкан и фермеров минимум в 2 раза и доведение годового роста сельского хозяйства как минимум до 5% за счет научно обоснованного интенсивного развития аграрного сектора»². Разработка технологических решений, обеспечивающих длительное (в течение 90–120 дней) и качественное хранение слив, а также применение эффективных методов сушки цельных плодов, представляет собой актуальное направление научных исследований и имеет важное практическое значение.

В Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4575 от 28 января 2020 года «О мерах по реализации задач, предусмотренных Стратегией развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы» определены перспективные развитие отрасли и вопросы расширения

¹ <https://businessstat.ru>

² <https://lex.uz>

